

Шарқ

юлдузи

- NASR
- NAZM
- DRAMATURGIYA
- MUMTOZ ADABIYOT
- YOSHLAR DAFTARI
- JAHON ADABIYOTI
- ESTETIKA
- SAN`AT FALSAFASI
- ADABIYOTSHUNOSLIK



Sharq yulduzi

ISSN 0131 – 1832

3 / 2021

МУНДАРИЖА
БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР

Абдулла ОРИПОВ. Ўтган кунларимга ташлайман назар4

НАЗМ

Зебо МИРЗО. Дунёда бор эди севги тиллари.16

Оллоёр БЕГАЛИЕВ. Гуллар кайтаргандек тупроқдан карзин. ..25

Шодмон СУЛАЙМОН. Сен қўксингдан кидир она Ватани. ..101

Холиқназар ХОЛНИЁЗОВ. Дунёни гўзаллик асрагай мангу. ...107

Хуршид НУРУЛЛАЕВ. Шабнамлар юлдуздан қолган ёдгорлик. .110

НАСР

Комил АВАЗ. Фасихи фуюзот. Эссе.11

БАЙРАМ АЛИ. Босирик. Қисса.29

ШОЙИМ БЎТАЕВ. Кутубхоначи хоним. Қисса.54

Сарвар ТЎРАЕВ. Шам ва парвоналар. Ҳикоя.....115

Тоштемир ТУРДИЕВ. “Менга ором истаманг, дўстлар...”. Очерк. .132

Шаходат ИСАХОНОВА. НОДИРАИ ДАВРОН ёхуд амирнинг тавки лаънат тўни. Тарихий роман.137

МАТИЛЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА

Мехрибон ЁДГОРОВА. Роман эпизодларида давр нафаси.92

ТЕРАН ТОМИРЛАР

СОРБОН. Фарзанд меҳри. Ҳикоя.118

ИЖОДИЙ КЕНГАШЛАРДА

Абдулла УЛУГОВ. Шеър кўнгилнинг сўздаги акси.121

Набижон ЭРМАТ. “Уқ ҳам, кўз ҳам тегмасин оҳую жайронларга!”.127

БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

Зулхумор ОРИФЖОНОВА. Суратин чизаман канотсиз эркнинг. .152

“ШАРҚ ЙОЛДУЗИ” ЖУРНАЛИНИНГ 90 ЙИЛЛИГИГА

Нигора ЖУМАЕВА. Ўзликни топиш баҳти.157

BOLALAR DUNYOSI

Xurram RAYIMOV. Chorlab... kattakon davra qurdi.165

БУ БЎСТОН САХНИДА

Сулаймон Ҳайдар КАСБИЙ.

Яхши меҳрин ҳадя қилган аҳли маҳрам бормикин?.....161

УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ

Матназар АБДУЛҲАҚИМ. Тим-тирс илғанади безовта руҳлар. ..167

ТАДҚИҚОТ

Гулруҳ ХУДОЁРОВА.

Абдулла Орипов шеъриятидаги “мардикор” образи. 171

Адабий ҳаёт.....174

Шарқ юлдузи

2021

3-сон

Муассис:
**ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
ЮШМАСИ**

* Муаллифлар фикри таҳририят ижодий жамоаси нуткан назаридан фарқланшини мумкин. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифларга кайтарилмайди.

Журнал ОАК эътироф этган нашрларнинг 10.00.02 «Ўзбек адабиёти» ихтисослиги бўйича рўйхатига киритилган.

* Журналга обуна даврий нашрларни етказиб бериш билан шугууланувчи барча ташкилотлар оркали амалга оширилади.

Обуна индекси – 911

Манзилимиз:
100066, Тошкент шаҳри,
Бунёдкор шоҳкӯча, Адаблар хиёбони.
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
биноси.

Телефонлар:
231-23-65, 231-23-66, 231-23-68
www.sharqyulduzi.uz
e-mail: sharqyulduzi@umail.uz
sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишига руҳсат этилди:
08.06.2021
Коғоз бичими 70x108 $\frac{1}{16}$
Офсет босма усулида оғсет коғозида
босилди. Босма табоги 11,0.
Шартли босма табоги 15,4.
Нашиёнт хисоб табоги 17,2.
Адади 2500 нусха.
Буюртма №9

Эслатма: Журнал пандемия шароитида танаффуслар билан чоп этилганини эътиборга олиб, маълумотлар аниқлигини текшириш учун журналинг босмахонага топширилган санасига каралсин.

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва аҳборот агентлигига 05.02.2016 й. 0562-ракам билан рўйхатга олинган.
“НАКИМА НАШР GROUP” МЧЖ матбаа корхонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани,
Ифтихор кучаси, 117-йй
Журнал ойда бир марта
чоп этилади.

Мусахихлар:
**Дилғузा Маҳмудова
Моҳира Ҳусанова**

Саҳифаловчи-дизайнер:

Муҳаммадсодик Сайфуллаев

Copyright © «Шарқ юлдузи»

Ижодий кенгашиларда



**Абдулла
УЛУГОВ**

Шеър кўнгилнинг сўздаги акси

Ўзбекистон – шоирлар мамлакати. Юртимизда ўтмишда ҳам шоирлар кўп бўлган, шеър ғоят қадрланган. Жуда кўп маънавий қадриятлар қадрсизланиб қолган ҳозирги глобаллашган замонда ҳам мамлакатимизда бу ҳолат, ҳар қалай, сақланиб қолган. Яъни шоир кўп. Шу боис хеч қачон йиллик ҳисоботда шоир ва шоиралар ижодини тұла қамраб бўлмайди. Бунинг имкони ҳам йўқ. Албатта, номи тилга олинмаган, китоби, матбуотдаги чикишларига муносабат билдирилмаган ижодкорлар бундан ранжиди. Чунки ҳисоботлардаги илиқ сўзлар, давралардаги эътибор ва эътирофлар ҳаммага хамиша ёқади. Аммо мақтов сўзлар, танқидий мулоҳазалар қанчалик асосли ва таъсирчан бўлмасин, улар ижодкор олдидаги бирор муаммони бартараф этолмайди. Шоир, макталанида ҳам, танқид қилинганида ҳам ижод майдонида қоғоз ва қалами билан доим ёлғизлигича тураверади. Танқидий фикр қаламкашни ерга киргизиб юбормаганидек, мақтову мадҳиялар ҳам уни адабиёт олимпига чиқариб қўймайди.

Шундай экан, “Ҳисоботлар, хусусан, шеърият, наср, драматургия, болалар адабиёти, таржималар тўғрисидаги маърузалар қандай амалий аҳамият касб этади, нима наф беради?” деган савол туғилади. Аввало бундай маърузалар адабий жараён манзарасини аникрок тасаввур килиш, ундаги ўзгаришлардан хабардор бўлиш имконини беради ва кишиларда янги асарлар билан танишишга иштиёқ уйғотади. Агар маърузаларда баён қилинган мулоҳазалар ақл ўргатиш, танбеҳ бериш, иддао, хусуматлардан холи бўлса, улар, шубҳасиз, ижодкорларга ва ўқувчиларга кўп наф етказади, уларнинг адабиётга қизиқиши, интилишини, кучайтиради. Энг асосийси, ўзаро иззат-хурматга асосланган, турли даъво, иддаолардан тоза мулоҳазалар одамлар орасидаги муносабатларни мустаҳкамлайди. Адабиётни қадрлаш, кимнингдир асаридан камчилик қидириш ва уни баралла айтиш билан белгиланмайди. Қолаверса, асаридаги камчиликларни кўрсатиш орқали қаламкашни даҳога айлантириб бўлмайди. Агар бунинг имкони бўлганида шоир, ёзувчиларнинг барчаси ҳалқаро микёсда эътироф этиладиган бири-биридан баркамол асарлар битишга эришарди. Истеъоддли ижодкор битган асар адабиётни

Абдулла УЛУГОВ – филология фанлари номзоди, доцент. 1960 йилда тугилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) ўзбек филологияси факультетини тамомлабган. “Қиссачилигимиз қирралари”, “Инсон ибратга интилади”, “Асл асарлар сехри”, “Қалб қандили” китоблари, “Адабиётшунослик кириши”, “Туркий ҳалқлар адабиёти” ўқув қўлланмалари, “Адабиётшунослик назарияси” дарслиги нашир этилган.

Абдулла УЛУФОВ

ардоқлайдиган одам ўқиганида янада теран мазмун ва жозиба касб этади. Агар ўкувчи маънавий мажрух, жанжалкаш, уришкок, иззатгалаб, худбин, даъвоси осмондан баланд бир кимса бўлса, ҳар қандай кўркам асар ҳам унга қоп-кора бир нарса бўлиб кўринади.

Бир пайтлар беписандлик билан ўқилгани боис нохуш таассурот уйғотган шеър, ҳикоя, қисса, роман орадан анча вақт ўтгач, қандайдир сабаб билан қўлга олинганида дабдурустдан кизиктириб кўйиши ва у энг яхши асар бўлиб туюлиши мумкин. Ва аксинча бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Ҳар икки ҳолат юз берганида ҳам одам хижолат тортиб, ўзининг аҳволини билмаслигидан уялади, ҳар бир инсон учун ўкиш ва укиш ҳамда шу асосда ўзини таниш бир умр давом этадиган жараён эканини англаб этади ва бу ҳакикат қаршисида ҳаяжонга тушади.

Пандемиядан аввалги давр адабиётида “душман” деганда бошқалар – қайсиdir давлат, қайсиdir ҳалқ назарда тутилар ва улар барча фожиаларнинг бирдан-бир сабабчиси сифатида айбор этиларди. Энди эса инсоният ҳеч бир муаммо дабдурустдан – ўз-ўзидан пайдо бўлмаслиги, зиддиятнинг илдизи чукур экани, қарс икки қўлдан чиқиши, юзага келадиган низо, можароларга ҳар икки томон ҳисса қўшиши, қарама-қаршиликни бартараф килиш учун томонлар аввало ўзини тузатиши, айни ўзидан қидириши зарурлигини англаб етди. Одамлар бир-бирига адоват билан қарамаслиги, чунки бу олам меҳру шафқат олами экани, барча бир-бирини ардоқлаши зарурлигини идрок этди. Аслида ҳам арпа экиб, буғдой ундириб бўлмайди. Ҳамма нимани экса, шуни ўради. Адоват адоватни туғдиради, нафрат нафратни кучайтиради. Шу боис девларни ўлдириш эмас, уларни меҳр билан таслим қилиш тўғри йўл экани энди ойдинлашди.

Ўтган йилда Сирожиддин Сайид, Эшқобил Шукур, Нодир Жонузоқ ва бошқа шоирларнинг covid тўғрисидаги шеърлари босилиб чиқди. Бу шеърларни, бадиий даражасидан катъи назар, “инсониятнинг гуноҳлари covid қиёфасига кириб чинқирди”, “пандемия ҳаддидан ошган одамзодга юборилган жазо бўлди” деган караш ўзаро бирлаштириб туради. Сирожиддин Сайид “Covid-19” сабоклари” шеърида “Вирус нимага ўргатди?” деган савонни қўяди. “Италия дўхтирлари” шеърида замондошларимиздан: “Ер юзига мана шундай кўринмас бало тушганида ўзингиздан ҳол сўрадингизми? Калбингиз, хулқингиз, амалларингизни тафтиш қилдингизми?” деб сўрайди. “Умуммиллий – умумбашарий” шеърида ҳозирги глобаллашган замонда ҳар бир кишининг аҳволини танг қилган ташвиш, муаммо олам аҳлининг бошига тушган ҳар бир хавф барча эллар, ер юзидаги барча мамлакатлар учун умумбашарий имтиҳон экани айтилади. Шеърда: “Бобо қуёш ҳам ҳатто, // олам аҳли тарафдир, // Дардингга малҳам бўлмоқ умуммиллий шарафдир” деб таъкидланади.

Эшқобил Шукурнинг шеърларида ҳам хаётдаги барча зиддиятларга, инсондай яшашга тўсик бўлаётган ғовларга аввало одамларнинг хулқи, феъли, табиатидаги манфаатпарастлик сабабдир, деган фикр илгари сурилади. Шоирнинг “Насойим ул муҳаббат” туркум шеърларидаги: “Мангу уятдаман сенинг қошингда... // Мангу музликларни эритар зорим. // Не савдолар ўтди содда бошимдан, // Одам бўлолмадим, Парвардигорим” сатрларида covid ва бошқа муаммолар қаршисида ожиз қолаётганидан азобланган инсониятнинг бир аъзоси бўлиб, ўз феъл-аъмоли, сийратини тафтиш қилаётган замондошларимизнинг дилдаги зори, гуноҳларини англаб, тавба қилаётган турли миллат, турли дин кишиларининг илтижоси акс этади.

Нодир Жонузоқ ҳам “Карантин” шеърида Ер юзидаги барча ғаввалар сабабчиси одамларнинг ўзи эканига эътибор қаратиб: “Замин касал бўлди, // Ҳа, оғир касал,

Шеър кўнгилнинг сўздаги акси

гади. Агар
з, даъвоси
п-кора бир

г уйғотган
илан қўлга
б туюлиши
и ҳолат юз
тан уялади,
умр давом
га тушади.
– қайсидир
нг бирдан-
ир муаммо
кур экани,
иқки томон
звало ўзини
бир-бирига
барча бир-
юйундириб
ади, нафрат
мехр билан

ок ва бошқа
рни, бадий
сига кириб
ўлди” деган
сабоқлари”
дўхтирилари”
о тушганида
зни тафтиш
ида ҳозирги
иш, муаммо
идаги барча
“Бобо қуёш
умуммиллий

га, инсондай
табиатидаги
нг “Насойим
ошингда... //
дан, // Одам
ир кархисида
фөйл-аъмоли,
гуноҳларини
штижоси акс
тар сабабчиси
а, оғир касал,

// Инсон боласидан юқди оғир дард” дейди ва “Одам тузалмаса – тузалмайди Ер, // Замин тузалмаса – Одам тузалмас” деб хулоса чикаради. Шоирнинг “Коронавирус” шеърида одамларга: “Кўнгил остонасин хлорлаб ювинг, // Диля никоб тақинг – // Кирмасин микроб” деб хитоб қилинади. Covid тўғрисидаги шеърлардаги ана шу каби хитоб, мурожаат, даъват, тавба-тазарру изҳорлари 2020 йил ўзбек шеъриятини аввалги давр шеъриятидан ажратиб турадиган ўзига хос белги бўлиб кўринади.

Шоирлар пандемия пайтида ва ундан аввалги даврда битган шеърларида ўзларининг шу кеча-кундузда кечётган воқеалардан, одамларда истеъмолчилик истаги ўсиб, қаноатсизлик, ношукурлик, худбинлик, лоқайдлик кайфияти қучайиб кетаётганидан ташвишланаётгани, икlimнинг ажабтовур ўзгаришларидан ажаблананаётгани, баҳт, фаровон турмуш тўғрисидаги тасаввур ғариблашаётгани, имон-эътиқоди мустаҳкам кишилар жаннат соғинчи билан яшаётгани ҳакида сўз юритишиди. Турли мавзуга бағишлиланган, ҳар хил услубда битилган шеърлардан шоир учун ҳаяжонланиш, дунё учун дард чекиши, мавжуд ҳётдан қониқмаслик, сирли-сехрли маъволарга интилиш, сўзнинг завқи ва ташвиши билан яшаш ҳамиша ҳамроҳ экани ойдинлашади. XXI асрнинг энг муҳим воқеаси – covid га бағишлиланган шеърлардан шоирлар бошқалардан кўра кўпроқ ташвишга тушгани, ижод ахли ҳар қачонгидан кўра кўпроқ куйиб-ёнгани билинади. Айни шеърларда пандемия дабдурустдан, эмас, балки Парвардигорнинг ундови билан юз бергани таъкидланади. Эшкобил Шукурнинг “Ташвишли кунлар” шеъри бунга мисол бўлади. Бу шеърда бирор ўринда “covid”, “карантин” сўзлари ишлатилмайди. Лекин ундаги: “Бир фалокат кўпди ҳаёт қасдида, // Совуқ башоратнинг қора шамоли // Тумандай ёйилди боғлар устида // Шакли нак шайтоннинг тожи мисоли.// Бир қавмга келди ҳалқлар, давлатлар, // Бир Худога келди динлар түғёни. // Ном-насаб талашган неча миллатлар // Бирдан эслаб колди Одам Атони. // Қанча буюк эди инсон файрати, // Не сирлар калити олтин бошида? // Лек дунё сарвати, замон ҳайбати // Сўроқдай этилди зарра қошида?” деган дард, оғрикка тўла сатрлар барча одамлар дунё covid пандемияси исканжасида қолганидан изтиробга тушгани, шоирнинг таъсирчан қалби бундан оғриганини аён этади. “Ташвишли кунлар шеъри” даги: “Ўзинг асра энди, эй қодир Худо, // Жонимиз, қалбимиз ва шаънимизни. // Ҳар кариҷ ерида битта авлиё // Хоки ётган азиз ватанимизни. // Бу юртдан аритма иқбол нурини, // Йироқ тутма, эзгу орзуларидан. // Пири бадавлат қил кексаларини, // Айрма гўдаклар кулгуларидан” деган илтижо шундан дарак беради. Covid тўғрисидаги шеърлар яна бир ҳакиқатни – истеъдодли инсонлар дадил савол беришини, улар ҳар қандай муаммога шу тарзда ёндашишини аён этади. Айни шеърлардаги “Вирус нимага ўргатди?”, “Ўзингнинг феълу аъмолингни тафтиш қилдингми?” мазмунидаги саволлар шоирларнинг ўзига сўрок сифатида берилиб, одамларга мурожаат тарзида ифодаланади.

Иккинчи жаҳон уруши даври тўғрисида сўз кетса,Faфур Ғуломнинг “Сен етим эмассан”, “Қиши”, Ҳамид Олимжоннинг “Қўлинга курол ол!”, “Қамал қилинган шаҳар тепасидаги ой”, “Роксананинг кўз ёшлари”, “Жангчи Турсун балладаси” каби асарлар, албатта эсланади. Чунки уларда мамлакатлар билан мамлакатлар тўқнашган, ҳалқлар бир-бирига қарши кирғин-барот жантга кирган, кўп одамни ўлдирғанлар қаҳрамон сифатида шарафланган мудхиш замоннинг фожиалари акс этган. Covid тўғрисидаги шеърлар ҳам бадий даражасидан қатъи назар, ҳозирги юз йилликнинг энг муҳим воқеасига муносабатни ифода қилиши билан қиммат касб этади. Бунга яна бир сабаб, ўтган иили босилган шеърларда ҳам қадимги ҳикматлар қайд қилинади. Масалан, Абдумажид Азимнинг “Яшаш формуласи” шеърида: “Ҳар ким насибасин терар кўпу оз // Текин лукма бўлар факат қопқонда,

Абдулла УЛУГОВ

// Лекин бир тахлитда кичкирар хўрор / /Хоҳи Самаркандда, хоҳи Лондонда” дейилади. Шукур Курбон эса: “Кузатиб қолмаса уйда бир киминг// Вужудинг фижимлаб боради кийиминг” дейди. У “Сўз йўли” шеърида ўзи тўғрисида: “Сабоқ учун гоҳ бобо Навоийни ўқийман, // Ўқиши қайда, луғат титиб чўқийман” деган рост гапни айтади. Таваллудининг 580 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланаётган улуғ шоир ижодий меросини мутолаа қилишдаги умумий ҳолат худди шундай эканини эса барча яхши билади. Усмон Азимнинг газета-журналлардаги ўтган йилги чиқишилари хамда кейинги ярим аср ижтимоий ҳаёти ва ўзбек адабиёти тўғрисидаги мулоҳазалари жамланган салмоқли “Сўнгсўзлар” китоби унинг “юраги эрта-кеч шеър билан машғуллиги”га ишонтиради. “Бахт ҳакида баллада”, “Фоя”, “Қайларга бошлади бизни бу тақдир...”, “Денгизга! Денгизга бораман ҳали...” каби шеърларида шоирнинг ёник қалб түғёнлари гупуриб туради. Аслида ўзбек мумтоз адабиёти хазинасини хам, унинг замонавий адабиёти ўзинини хам шоирларнинг қалб түғёнлари, уларнинг гўзал юрак сўзлари тўлдириб туради. Ўзбек адабиёти дунёдаги бошқа ҳалқлар, масалан, немис, инглиз адабиётидан шу жиҳати билан фарқ қиласи ва худди шу хусусияти билан устун туради. Мирзо Кенжабек, Ҳалима Аҳмедова, Мансур Жумаев, Одил Иқром шеърларида тасаввуфона рух барқ уради. Мансур Жумаевнинг “Ишқуллоҳ”, “Илтижо”, “Йоловчи қўшиғи” каби шеърлари шарқона шеъриятнинг бу гавҳари замонавий ўзбек адабиётининг энг ёрқин безагига айланиб бораётганидан далолат беради. Масалан, Мансур Жумаев “Йоловчи қўшиғи” шеърида худди ишққа интилган салафлари сингари: “Ҳарна муштоқ, ҳарна зорман, // Висолингдан умидворман, // Гар жаннатий эмас бўлсан, // Хузулингга бу навъ бормам!” деб нола қиласи.

Мирзо Кенжабек, Ҳалима Аҳмедова, Мансур Жумаев каби ижодкорларнинг тасаввуфона шеърларида Оллоҳ висолига етмоқликни ният қилган, қалбида шу эзгу истак ва мураккаб жараён кечётган инсоннинг бошқалар тушунмайдиган ҳолатлари, ўзининг хузур-ҳаловати учун яшашни мақсад қилганлар хис этмайдиган туйғулари ифодаланади. Чунки уларнинг шеърларида ҳаёт ва ӯлим, боқий ва фоний дунё ўртасида яшашга ҳукм қилингандан изтироб ичиди қолган инсоннинг тўхтовсиз ўзгарадиган қалби манзаралари акс этади. Айни шеърлардан одамлар кўринмас ришталар орқали оламдаги барча нарса-ҳодисалар билан мустаҳкам боғлаб кўйилгани, бу олам эса ўзаро меҳр-шафқат асосига қурилгани, одамлар бир-бирининг ёрдамисиз, кўмагисиз яшай олмаслиги, улар бир-бирига ойна-кўзгу қилиб кўйилгани тўғрисида ўйлатади. Аниқроғи, бу шеърлардаги қайсиdir сўзлар кимгadir ниманидир англатади. Энг муҳими, улар ҳаёт ҳодисаларини одамлар якка ўзи эмас, балки бир-бирининг кўмагида, таъсирида ўрганиб олишини билдиради.

Минҳоҳиддин Мирzonининг “Кўнглим” шеърида адабиётдаги абадий мавзу – ватан мавзусига ўзига хос ёндашиш қузатилади. Бу шеърда инсоннинг кўнгли у туғилиб ўсган юртдаги моддий ва маънавий қадриятларга бевосита боғлиқлиги, ҳар бир одам Ватанининг тарихи ва бугунидан муттасил озиқланиши, ундаги кекса чинорлар боболардан хикмат сўйлаши қайд этилади. Файрат Мажиднинг “Ҳикмат” шеърида Ватан мавзусининг анъанавий талқини кўринади. Зулфия Мўминованинг “Она тилим” шеъри шоира ижодида ҳалқ ижодига хос оҳангдорлик, мусикийлик кучайиб бораётганидан далолат беради. Жўрабек Жаҳоннинг “Одамга одамнинг иши тушмасин” шеърида эса турмуш тўсиқларига дуч келган ёшларнинг ҳасрати ифодаланади. Гўзал Бегим, Дилрабо Мингбоеванинг шеърларида модерн шеър ҳам ўзбек адабиётининг энг яхши жиҳатларидан озиқланган холда, чирой очиб бораётганидан далолат беради. Гуландом Тоғаева ўз шеърларида Парвардигорга юкуниб: “Сенинг даргоҳингда умидсизлик йўқ” деб ўртанади. Шоира шеърларида

Шеър кўнгилнинг сўздаги акси

фиқр ва хаёлот ажиг бир тарзда уйғунлашиб кетади. Шоира Беназирнинг шеъридаги “Шоир қилди мени аламлар” деган сатрда чин шоирларнинг икрори ифодаланади.

Шеър кўнгилдаги турфа хил тушункисиз ҳолатларнинг сўздаги ифодаси экани, шу боис уни $2 \times 2 = 4$ тарзида аниқ тушунтириб, шарҳлаб бўлмаслиги Усмон Азим, Хуршид Даврон, Мирзо Кенжабек, Ҳалима Аҳмедова, Гуландом Тоғаева, Ҳосият Рустамова, Ойдиннисо, Үлмасой Нишонова, Наргиза Одинаеванинг битикларида яққол кўринади. Ҳар бир кишининг кўнглида эса муҳаббат ва нафрат, меҳр ва қаҳр, соғинч ва яна бошқа ҳиссийтлар бир зумда алмашиниб туради. Унда исмиз ва мубҳам хис-туйғулар, кечинмалар бир-бири билан қоришиб, уйғунлашиб кетади. Қалбнинг дафъатан бу ўзгарувчан мозаикасимон манзарасида номоддий нарсалар моддий кўринишга киради. Масалан, соғинч ҳамма нарсани ёндирувчи оловга, кунлар эса экин экилган далаларга, дараҳтлари шовуллаган боғларга ўхшаб кўринади, баҳт ҳудди қарич, кулоч, метр, миллиметр каби ўлчов мезонига айланади. Наргиза Одинаеванинг “Тўрт томон” шеъридаги: “Мен айтиб бераман кўзингга қараб, // Нималар йўқлигин кафтинг ичида. // Кунларни ёндирган соғинч оралаб, // Умримни ўлчадим баҳт қаричида” деган ёниқ сатрлар шундай хулоса чиқаришга асос беради.

“Яшил” шеърлар китоби, 20-йили матбуотдаги чиқишлиари Ҳалима Аҳмедова ижодий изланишлари доирасини муттасил кенгайтириб бораётган шоира эканини намоён қилади. Унинг шеърларида ташбеҳлар бир-бирини нурлантириб, мисраларнинг мазмун доирасини кенгайтириб жилоланади. Шоира ўзининг ҳоли, кечинмаларини мастона ҳаяжон билан тақдим қилади. Унинг кўнглидаги кутилмаган ўзгаришлар, туганмас изтироблар руҳидаги қаттиқ оғриқдан ўсиб чиқади. Шоиранинг турфа хил туйғуларни таъсирчан ифодалайдиган сўзларни топа билгани шундай хулоса чиқаришга ундейди. “Яшил” шеърлар тўплами муаллифининг шеърларида оҳорли ташбеҳ ва сифатлашлар занжир ҳалқалари сингари бир-бири билан туташиб кетади. Улардаги теран фикрларда шоиранинг саркаш, безовта рухи, унинг борликқа, кундалик хаётга бўлакча нигоҳ, бўлакча истак ва бўлакча талаб билан қараши акс этади. Айтиш мумкинки, Ҳалима Аҳмедова, Ойдиннисо, Гуландом Тоғаева, Беназир каби шоираларимизнинг шеърлари ҳудди Усмон Азим, Хуршид Даврон, Мирзо Кенжабек, Эшқобил Шукурнинг шеърлари сингари адабиётнинг энг баланд талабларига бемалол жавоб беради. Уларнинг шеърларида мусулмон Шарқ мумтоз шеърияти ва замонавий шеъриятнинг энг яхши хусусиятлари бир-бири билан ажиг тарзда бирлашади. Энг муҳими, айни шеърларда сўз дарди билан яшаётган муаллифларнинг безовта қалби кўринади. Уларнинг ҳаяжони, дардли ўйлари, тақдим килган кутилмаган хулосаларида фикрлайдиган замондошларимизнинг ички олами ифодаланади. Жарангдор қофиялар бу шоиралар шеърларидаги оҳангдорликни оширишдан ташқари, мазмунни кучайтиришга хизмат қилиб, фикрнинг таъсирчанлигини таъминлади. Шу боис бу шоираларнинг шеърлари ҳар бир кишининг қалбини нурлантириб, унда фикрлаш, ҳаракат қилиш, турмушнинг майд-чўйда ташвишларига қўл силтаб, маънан-руҳан юксалиш истагини уйғотади. Ижод қилиш, шеър битиш ҳаётининг мазмунига айланган шоирларнинг шеърлари шундай таъсир кувватига эга бўлади. Чунки улар ҳаёт ҳодисаларига тик қараб, ҳақиқатни ёқлади, ўзининг ҳоли, ахволи ҳақида ҳам рост гапиради. Агар одам ҳалқумини ҳаром қилса, унинг айтган сўзи, мурожаат, илтижолари бошқаларга кутилганидек таъсир этмайди. Негаки сўз илохий бўлгани боис ҳалоллиқдан қувват олади. Оламдаги барча эзгу нарса-ҳодисалар сингари Сўз ҳам ҳаром-ҳаришдан ҳазар қилади. Ҳалқумни ҳалол сақлаш эса бу ғалвали дунёда ҳар бир киши учун жуда оғир кечади. Худонинг

Абдулла УЛУГОВ

ўзи меҳрибонлик килмаса, оғзи, ўттиз икки тиши бор бандаси нафсининг хуружи, туганмас орзу-истаклари хужумидан ўзини муҳофаза этолмайди. Агар одам манфаатпараст, шуҳратпараст бўлса, у шеър ёзадими, дин аҳли бўладими, ўзининг шахсий ҳузур-ҳаловати йўлида аждодлар ардоклаб келган, инсоният интиладиган барча маънавий-ахлокий қадриятларни бемалол босиб, топтаб кетаверади.

Хосият Рустамова шеърларида ҳаётга: “Мендан бошқа нарса сўрама... Токим – // Мен баҳтли бўлишга шимарғанман енг. // Менинг шунча яшаб ўтган ҳаётим – // Бугунги кунимга келолмайди тенг... // Бугунги кунимдан бир кадам жилмай – // Мен баҳтли бўлишга турибман тайёр” деб мурожаат қиласди. Унинг бу дадиллигида ҳар кандай жойдан ҳакини ажратиб оладиган кишиларга хос шижоат акс этади.

2020 йил газета-журналларидаги шеърлар ҳар бир шоир ўзи билганича, кучи етганича шеър ёзиб, ҳаёт ҳакидаги ўйларини баён қилишидан далолат беради. Икром Отамурод: “Манзара канғлумда уйғонди // майин кўнган оғриқдан” дейди. Гўзал Бегим ҳаёли қоронғи кечани ёритганидан сўз очади. Ахтамкули “Тилим қалбимнинг уйғок сози бўлди” деб ғазал битади. Зикрилла Неммат оталардан мерос колган боғлар фарзандларга руҳ беришини қайд қиласди. Гулом Эгамшукур одамнинг орзуси сўнгги нафасигача сўнмаслигини таъкидлайди.

Жаҳон адабиёти талабларига жавоб берадиган шеъриятимиз юртдошларимиз қалбидаги эзгуликка интилиш хиссини кучайтиради. Замонавий ўзбек шеъриятининг Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Рауф Парфи, Шавкат Раҳмон, Усмон Азим, Хуршид Даврон, Мирзо Кенжабек, Сироҷиддин Сайид сингари намояндлари ижоди элдошларимизни эзгу амалларга, ҳаётсеварликка рухлантириб келади. Шоирлар барча замонда ҳалкнинг умумруҳи улғайишига барчадан кўпроқ хисса кўшади. Чунки улар ҳаёт ҳакикатини бошқалардан кўра теранроқ англайди. Бу ҳолатни ўтган йил газета-журналларда босилган шеърлар ҳам тасдиклайди. Айни шеърлар худди пандемиядан аввалги даврдагидек мавзу жиҳатидан ранг-баранг бўлиб, уларда замондошлари турмушидан, дунёда кечётган турфа ҳодисалардан таъсиrlанаётган шоирларнинг туйғу ва кечинмалари акс этади.

Ўтган йилда матбуотда босилган шеърларнинг энг яхши жиҳати улар, бир лаҳзага бўлса-да, кишиларнинг қалбидаги самимий туйғуларини юксалтиради. Самимий туйғулари балқиганида эса ҳар кандай қаллоб, фирибгар, пораҳӯр, таъмагир, қўли қон қотил ҳам бир зум бўлса-да, яхши одам бўлгиси келади. Муҳаммад Али, Абдулла Шер, Муҳаммадали Қўшмоқов каби бутуннинг катта авлоди шоирлари шеърларида ҳаёт ҳодисалари ҳақида жиддий туриб, аллақандай ишонч билан сўз юритилади. Усмон Азим, Мирзо Кенжабек, Сироҷиддин Сайид эса улардан фарқли ҳолда, серғалва дунёнинг талотумлари, одамларда имон-эътиқод, ўзаро ишонч хисси емирилиб бораётганидан сўз очиб, оташин бўлиб кетади. Айтишларича, чин шоирларнинг тилакларига фаришталар “Омин” дейди. Чунки шоирлар сўзининг салмоғи, қувватини бошқалардан кўра кўпроқ ҳис қиласди. Улар ўзгалардан шу жиҳатдан устун туради. Шоирлар теварак-атрофида юз беряётган, дунёда кечётган ҳодисаларнинг ичига киришга интилади. Аксарият кишилар эса бошқаларнинг дарди, ташвишига бепарво, лоқайд қарайди. “Уй ичим омон бўлсин, теваракни ёв олсин” қабилида яшайдиганлар барча замонда, ҳамма жойда тиқилиб ётади. Улар моҳиятини тушунмагани учун ҳодисаларнинг таъсирини ҳис қилмайди. Интернет сұхбатдош бўлиб қолаётган, ахборот оқими ўз гирдобига тортиб кетаётган ҳозирги пайтда миллий ва умуминсоний қадриятлар топталишига бепарво қарайдиган қаламкашлар ҳам истаганча топилади. Мантиқ мезонларига тамоман тескари бу каби ҳолатлар чукур асосга эга эканлиги ва бунинг сабаблари, омиллари бир-бири билан чамбарчас боғлиқлиги эса кишини ажаблантиради.